

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АҲОЛИ
КАЙФИЯТИНИНГ ЎРНИ ҲАМДА УНГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТАЁТГАН
АЙРИМ ҲОЛАТЛАР**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14517674>

Мирзаев Жаҳонгир Умирзоқович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти

Тарбиявий ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиги

E-mail: jahongirmirzayev970@gmail.com

Аннотация:

Мақолада жамоат хавфсизлигини таъминлашда одоб-ахлоқ қоидаларининг ўрни ва аҳамияти, аҳоли кайфиятининг жамоат хавфсизлигига таъсири, бугунги кундаги айрим муаммолар, жумладан автомашина вақтинча туриши учун тўсиқлар ўрнатиб олиниши, фуқароларнинг психологик ва диний мазмундаги таълим олишга қизиқиши ортиб бораётганлиги ва ушбу жараёни тартибга келтириш зарурати, қарз олди-берди муаммоларини ҳал этишда маҳалла кўмагини йўлга қўйиш, автомашина сотиш бўйича шартномани нотариал расмийлаштиришни жараёнини қулайлаштириш, фуқароларнинг давлат хизматчиларидан рози бўлишини таъминлашда зарур бўлган тадбирлар ҳақида фикр ва мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, муаллиф жамоат хавфсизлигини таъминлашда аҳоли кайфиятига салбий таъсир этаётган айрим ҳолатлар бўйича ўзининг илмий-амалий таклиф ва мулоҳазаларини илгари сурган.

Калит сўзлар

одоб-ахлоқ, аҳоли кайфияти, психологик ва диний билим, автомашина туриши учун тўсиқлар, қарз олди-берди, аҳолини рози қилиш, автомашина олди-бердиси, нотариус орқали расмийлаштириш, ишчи гуруҳ ташкил этиш, аризаларни қамайтириш, жамоат хавфсизлиги, коррупцион ҳолат, фуқароларни қуттириб қўйиш, норозилик.

**РОЛЬ НАСТРОЕНИЙ НАСЕЛЕНИЯ В ОБЕСПЕЧЕНИИ
ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И НЕКОТОРЫЕ СЛУЧАИ,
ОКАЗЫВАЮЩИЕ НА НЕЕ НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ**

Мирзаев Жаҳонгир Умирзақович,

*начальник Управления организации воспитательной работы
Департамента исполнения наказания
при Министерства внутренних дел Республики Узбекистан
E-mail: jahongirmirzayev970@gmail.com*

Аннотация:

В статье рассматривается роль и значение правил нравственности в обеспечении общественной безопасности, влияние общественного настроения на общественную безопасность, некоторые проблемы современности, в том числе установка барьеров для временной парковки автомобилей, растущий интерес граждан к психологическим и религиозным образованиям, налаживание помощи махалли в решении вопросов задолженности граждан, сделать удобным нотариальный процесс оформления договоров купли-продажи, также отражены мнения по необходимым мерам для укрепления доверия граждан к государственным служащим. Также автор выдвинул свои научно-практические предложения и комментарии по некоторым случаям, которые негативно влияют на настроения населения в обеспечении общественной безопасности.

Ключевые слова

нравственность, настроение населения, психологические и религиозные знания, барьеры для парковки автомобиля, задолженность и займ, достижение удовлетворенности населения, купля-продажа автомобиля, нотариальное оформление, создание рабочей группы, сокращение заявлений, общественная безопасность, коррупционные случаи, факты ожидания граждан, недовольство.

THE ROLE OF POPULATION MOOD IN ENSURING PUBLIC SAFETY AND SOME CASES THAT HAVE A NEGATIVE EFFECT ON IT

Mirzayev Jahongir Umirzoqovich,

*Head of the Department for the Organization of Educational Work,
Department of Punishment Execution under
the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
E-mail: jahongirmirzayev970@gmail.com*

Annotation

In the article, the role and importance of etiquette in ensuring public safety, the impact of the public mood on public safety, some of today's problems,

including the installation of barriers for temporary parking of cars, the growing interest of citizens in psychological and religious education, and this comments on the need to regulate the process, to establish neighborhood support in solving debt problems, to facilitate the process of notarization of the contract for the sale of a car, and to ensure the consent of citizens from civil servants has found its expression. Also, the author put forward his scientific and practical suggestions and comments on some cases that have a negative effect on the mood of the population in the provision of public safety.

Keywords

manners, mood of the population, psychological and religious knowledge, barriers to parking a car, lending and borrowing, pleasing the population, buying and selling a car, formalization through a notary, organization of a working group, reduction of applications, public safety, corruption, keeping citizens waiting, protest.

Аҳолининг кайфияти жамоат тартибини таъминлашда муҳим омиллардан бири саналади. Жумладан, аҳоли кайфиятининг яхшилиги уларда агрессивликни сўндира. Ҳамма нарсадан рози инсонда, баджаҳллик ва норозилик бўлмайди.

Аҳолининг кайфиятига одоб-ахлоқ қоидалари ва қонун устуворлигига барча фуқароларнинг амал қилиши, шунингдек эркинлик борасида уларнинг бирдек адолатли ва инсофли бўлиши таъсир ўтказади. Шу каби, Президентимиз таъкидлаганларидек “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”[1] деган тамойилга барча давлат органлари ва идораларининг амал қилиши аҳоли кайфиятини юқори бўлишида муҳим омил ҳисобланади.

Қуйида айрим ҳолатлардан мисоллар келтириб ўтамыз.

Одоб-ахлоқ қоидалари жамиятда юриш туриш тартибини белгилаб беради ҳамда турли нохушликлар ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, шунингдек ўсиб келаётган авлодни хотиржам ва тинч-тотув яшаш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўз навбатида, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилмаслик, уни менсимаслик ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилишига олиб келади.

Мисол учун, бугунги кунда марказий шаҳарларда кўп қаватли уйларнинг атрофига автомашина қўйиш учун металл тўсиқларнинг ўрнатиб олинганлиги ва бу ҳолат меҳмонга келган шахсларнинг автомашинасини қўйишида қийинчилик туғдираётганлиги ва дилини хира қилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Халқимизда “меҳмон атои худо”, “қўшнининг ҳаққи” деган

одоб-ахлоқ коидаларининг пурмаъно мазмунига зид ушбу ҳаракатларни оқлаш учун ҳеч қандай асослар мавжуд эмас. Эрталабдан “тўсиғини” қулфлаб, кечки пайтда қайтиб келишади. Бу пайтда уйнинг ёнига кўплаб инсонлар келиб кетишади, автомашинасини кўя олмай қийналишади. Қолаверса, ушбу тўсиқлар пиёдаларнинг эркин ҳаракатига ҳам, борларнинг ўйнашига ҳам, бошқа автомашиналарнинг йўлдан қайрилиб олишларига ҳам ҳалақит беради. Тўсиқ қилиб қулф ўрнатган қўштирноқ ичидаги жой (йўл)нинг эгаси, ушбу ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган. Мазкур ер қисми учун ҳаттоки солиқ тўламайди. Ушбу ҳолат аҳолининг кайфиятига салбий таъсир этиши ва кўчаларнинг кўркини бузиб турганлиги билан бир қаторда, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам дахл этмоқда.

Ҳуқуқ ва эркинликлар қонунлар билангина чекланиши мумкин, мазкур ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган жойда бошқаларнинг ҳам ҳаққи бор, шундай экан ушбу жойларга қонунан рухсатнома орқали, солиқларини тўлаган ҳолда эгалик қилишса, бошқаларнинг ички эътирозини, шунингдек фуқаролар ўртасидаги ўзаро зиддиятларни келтириб чиқармайди. Зеро, қонун устувор ва қатъий тартиб бор жойдагина ҳақиқий эркинлик бўлади. Бизнингча шу орқали, инсонларнинг ўзаро меҳрсизлиги ва бир-бирига нисбатан қаҳрда бўлишларининг олди олинади.

Япония, Жанубий Корея, Хитой каби кўпгина давлатларда автомашина қўйиладиган жойлар замонавий технологиялар ёрдамида тартибга келтирилган, шу билан биргаликда ушбу давлатларда ўзбошимчалик кўчанинг маълум бир қисми (йўл чети)ни эгаллаб тўсиқ ўрнатиш учун жуда катта жарималар белгилаб қўйилган.

Япония тажрибасига кўра, ҳар қандай шахс автомашина сотиб олишидан уни вақтинча қўядиган жойни олдиндан белгилаб олиши ва автомашинани расмийлаштирувчиларга бу ҳақида ҳужжат тақдим этиши лозим[2].

Қонунчиликка фуқароларга томонидан кўп-қаватли уйлар ва яшаш хонадонлар оралиғидаги кўча (йўл)ларнинг маълум бир қисмига автомашина қўйиш мақсадида тўсиқ ўрнатиш учун тегишли ҳокимликлардан рухсатнома олиш ёки солиқ идораларидан эгалланган жойнинг солиғини тўлаш тартибини белгиловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади. Бунда агарда тўсиқ ўрнатмасдан ва қатъий ўзиники қилиб олмасдан барча билан бир хилда умумий фойдаланилса, ҳеч қандай таққ ва солиқ тўлови қўлланилмайди.

Шу каби, бугунги кунда кўпчилик шахсларнинг психологик ва диний мазмундаги таълим олишга қизиқиши ортиб бормоқда. Бизнингча, ушбу жараёни турли норматив ҳужжатлар билан тўсиқлар қўйиш орқали

тартибга олиб бўлмайдиган, чунки фуқароларда бунга эҳтиёж пайдо бўлган. Талаб бор жойда таклиф ҳам келиб чиқади. Жумладан, интернетда бундай таълимни онлайн амалга оширувчи ва эвазига ҳақ олувчи кўплаб телеграм гуруҳлари, канал ва сайтлар мавжуд.

Ушбу жараёнда давлат назоратини ўрнатиш радикализм, экстремизм каби ёт ғоялар тарғиб этилишининг олдини олишга хизмат қилади. Бу борадаги давлат назоратини таъминлаш учун ушбу йўналишда таълим берувчиларга лицензия орқали рухсат бериш ва улар томонидан берилаётган дарсларни мазмунини текшириб туришнинг соддалашган тизимини жорий этиш лозим. Бунга, ҳеч бир тақиқларсиз ёндашиб, инсонларнинг эркин диний ва психологик билим олишларига имкон бериш керак.

Бугунги кунда аҳолининг қарз олди-берди масаладаги ариза ва шикоятларининг кўпайиб бораётганлиги, қарзни қонуний қайтариб тартибидан тўлиқ хабардор эмаслиги, ушбу соҳага янада содда ва самарали ёндашув заруратини келтириб чиқармоқда.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг маҳалла гувоҳлигида қарз олди-бердисини амалга ошириш тартибини йўлга қўйиш керак.

Ушбу тартибда, қарзни вақтида қайтариб бермаган шахс маҳалла томонидан бир икки маротаба огоҳлантирилиб, ҳар икки томоннинг ўзаро учрашуви ташкил этилади ва ҳужжатлаштирилади. Қарзни ундириш бўйича ўтказилган суҳбатдан натижа чиқмаганда тегишли тартибда фуқаролик судига мурожаат қилиши бўйича қарз берган шахсга тушунтирилади.

Фуқаролик судига мурожаат этган шахснинг қарз олди-бердиси маҳалла гувоҳлигида амалга оширилганлиги сабабли, дастлабки тўловдан озод этилади ҳамда қарз ундирилгандан кейин жавобгар (қарздор)дан давлат божи қопланиши белгиланади.

Бунинг натижасида аҳолида турли ташкилотларга ариза билан мурожаат қилиб юришлари камайишига эришилади. Қарз-олди берди маданияти ошади, бу йўналишда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Автомашиналарнинг олди-соттисини расмийлаштиришда айрим бюрократик тўсиқлар мавжуд. Жумладан, нотариус орқали олди-сотти шартномани расмийлаштириш учун эр-хотиннинг биргаликдаги розилиги керак. Айрим пайтларда эр ёки хотиннинг биргаликда нотариусга бориши ортиқча ташвишдан бошқа нарса эмас, зеро уларнинг ҳар иккиси ҳам автомашина сотилишига рози. Бизнингча, ушбу мулкнинг сотилиши эр – хотин ажрашиш бўйича ариза берган бўлсагина розилигини тасдиқлаш мақсадга мувофиқ. Агарда эр-хотин ажрашиш бўйича ариза бермаган бўлса, олди-сотти шартномасини расмийлаштиришда нотариусга улардан бири

келган бўлса иккинчисини масофавий алоқадан фойдаланиб оғзаки гаплашиш орқали розилигини сўраб расмийлаштириш қулайлик туғдиради.

Кўпгина давлатлар, мисол учун Россия Федерацияси каби давлатларда автомашинани сотишда эр-хотиннинг ҳар иккисини нотариусдан тасдиқланган розилиги шарт эмас[3].

Бизнингча, қонунчиликка фуқароларга қулайлик яратиш ва ортиқча оворагарчиликларни олдини олиш учун, нотариусларда эр-хотин қонуний никоҳдан ажрашиш бўйича ариза бермаган бўлса, оғзаки розилигини масофавий алоқа орқали аниқлаб, олди-сотти шартномасини расмийлаштириш мумкинлиги бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Фуқароларни қуттириб қўйиш, сарсор қилиш ва адолатсиз ҳаракатлар давлат органларига бўлган ишончни пасайтириши билан биргаликда норозилигини ҳам келтириб чиқаради.

Мазкур ҳолатларни аниқлаш ва чек қўйиш учун Ички ишлар вазирлиги ёки Бош прокуратура ҳузурида идоралараро ишчи гуруҳ тузиш ва ҳар чорақда ҳудудлардаги вазиятларни ўрганиб баҳолаб бориш лозим. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ва амалга оширилган ишлар ҳақида аҳолига ахборот бериб бориш, шунингдек ушбу ишчи гуруҳнинг “ишонч телефон”ларини аҳолига эълон қилиб, уларнинг таклиф ва хабарлари бўйича ҳам тадбирларни ташкил этиш керак.

Яна бир мисол, ижтимоий тармоқларда, кўча-қуйда, одамлар орасида кимнидир йўлни пиёдалар ўтиш жойида автомашина уриб юборганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб қоламиз. Битта савол туғилади, хўш пиёдани уриб юборган ҳайдовчига нима бўлди, унга қандай чора кўрилди, нима учун белгилаб қўйилган жойдан кесиб ўтаётган пиёдани автомашина уриб юбориши керак, ахир алоҳида йўл белгиси ўрнатилган йўл чизиқлари чизилган бўлса, одамларга нима бўлаяпти ўзи? деган эътирозли саволлар беришади.

Пиёдани уриб юборган шахс унга енгил тан жароҳати етказса, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 133-моддаси [4] билан жавобгарликка тортилади, унга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этилиши мумкин.

Ушбу кодекснинг 183-моддага кўра майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг

осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик содир этган шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиниши ёки ўн беш суткагача муддатгача маъмурий қамоққа қўлланиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, йўлни пиёдалар учун мўлжалланган қисмидан кесиб ўтаётган шахсни уриб юборган автотранспорт ҳайдовчисининг ҳаракатини эҳтиётсизлик, бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 133-моддаси) деб баҳоламасдан, амалдаги қонунларга нисбатан ҳурматсизлик ва безорлик замирида амалга оширилган қилмиш (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 183-моддаси) деб баҳоланса, тўғри бўлади.

Шу ўринда, ушбу қилмиш учун жавобгарликни кучайтириш, жумладан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ва жиноят кодексда белгиланган жазоларни кучайтириш ёки алоҳида модда сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, аксарият ҳолатларда инсонлар бировга моддий манфаат кўрсатишни ёки пора беришни ўз хоҳишларига кўра амалга оширмайди. Минг афсуски айрим давлат органлари ва ташкилотларида шундай ҳолатни яратишга интилувчи раҳбар ва ходимлар мавжуд.

Уларнинг бундай ишларига қонунчилик имконият бермаса-да, вазиятни шунга йўналтириб олиш учун ўзлари айрим қоидаларни тўқиб ўрнатиб олишга ҳаракат қилишади. Ушбу ҳаракатларини оқлаб “ёзилмаган қонунлар” бор деб, уларга амал қилиш кераклигини айтишдан ҳам тап тортишмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, коррупция бу — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш[5] дир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармонининг 1-бандида “Мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва

жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги қайд этилсин” [6] деб кўрсатилган.

Бизнинг фикримизча, бундай ҳолатларни бартараф этиш учун коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи орган ва идоралар томонидан ҳар бир соҳани тафтишдан ўтказиши, коррупциявий ҳолатларни ва “ёзилмаган қонунлар”ни аниқлаши ҳамда бартараф этишни кучайтириш лозим. Зеро, адолат ўрнатилган ва қонун устувор жойда эркинлик ҳамда ривожланиш бўлади.

Яна бир масала, ҳукукбузарликларнинг олдини олиш ва фуқароларни жабрланиб қолишини барвақт аниқлаш ҳамда барҳам бериш муҳим масала ҳисобланади. Амалдаги қонунга кўра, ҳукукбузарликлар профилактикаси бу — ҳукук-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳукукбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳукукбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳукукбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳукукий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими[7]дир.

Бизнинг фикримизча, профилактик тадбирларни амалга оширишда, жумладан тарғибот тадбирларини ўтказишга, шунингдек айрим виктимологик профилактика чора-тадбирларини ўтказишга нодавлат ташкилотларини, қолаверса хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аҳоли кайфиятига шахснинг иш жойидаги муҳит, миграция каби ҳолатлари ҳам ўз таъсирини ўтказади. Ташқи меҳнат миграцияси бўйича бир қанча олимлар ўз фикрларини билдириб ўтишган, уларнинг баъзилари мавжуд муаммоларнинг ечимлари бўйича таклифлар ҳам билдиришган[8].

Биз иш жойлардаги муҳит, иш вақтининг тўғри ташкил этилиши, иш берувчи ва ходимнинг ўзаро муносабатларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Аввало, қайд этишимиз жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ, ҳар кимга ўзининг ишлаб чиқаришга ва ижодий меҳнатга доир қобилиятларидан фойдаланиш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш бўйича мутлақ ҳукук тегишлидир[9].

Меҳнат қилиш инсон учун ҳукуқ экан, меҳнат жамоасидаги муҳит, иш вақти, иш берувчи (раҳбар) ва ходимнинг муносабатлари ушбу ҳукуқ доирасида ташкил этилиши лозим.

Кўпинча ишдан бўшатилган фуқаро ва унинг яқин қариндошлари ишдан бўшатган раҳбардан норози бўлиб бир қанча идораларга кўп йиллар

давомида шикоят қилишади, бундай низолар ушбу инсонларнинг кайфиятига бевосита ўз таъсирини ўтказди.

Маълумки, иш берувчи ва ходим ўртасидаги қуйидаги масалалар бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар якка тартибдаги меҳнат низоларидир:

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, меҳнат шартномасини қўллаш;

ходим учун якка тартибдаги янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд якка тартибдаги меҳнат шартларини (шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашни) ўзгартириш.

Шунингдек, якка тартибдаги меҳнат низоларига қуйидаги низолар ҳам киради:

иш берувчи ва мазкур иш берувчи билан илгари меҳнатга оид муносабатларда бўлган шахс ўртасидаги низо;

иш берувчи ва мазкур иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузиш истагини билдирган шахс ўртасидаги низо, агар иш берувчи ушбу шахсни ишга қабул қилишни рад этган бўлса[10].

Бизнинг фикримизча, меҳнат низолари адолатли ва холисона, шунингдек бирор томонга оғишмасдан тўғри ечилишигина шикоятчи эътирозларини тўхтата олади. Бу борада, жамоатчилик ва касба уюшмаларининг роли ва фаоллигини, қолаверса ҳуқуқлари ҳамда таъсир кучини янада ошириш лозим.

Шартномада белгиланмаган ҳолатда ходимни ишлатишга йўл қўймаслик ва иш вақтини назорат қилиб бориш орқали баъзи оилалардаги келишмовчиликларнинг олди олинади, ота-оналарнинг фарзандлар тарбияси билан шуғулланишларига кўпроқ имконияти бўлади ва шу орқали ёш авлодни тарбиялаш ҳамда билимли бўлишига ҳисса қўшилади.

Юқорида келтириб ўтган мисолларимиз каби айрим ҳолатлар жамиятда учраб турибди. Аҳолида розилик кайфиятини ошириш ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ҳамда жамоат тартибини самарали таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда, аҳолини рози қилиш ва кайфиятини кўтаришга хизмат қиладиган айрим тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтамыз:

хар бир байрам олдида маҳаллаларда спорт ва миллий ўйинлар ташкил этиш, аҳолини “намунали оила”, “тинч оила”, “меҳнатсевар фуқаро”, “жонкуяр фуқаро”, “фидойи фахрий”, “энг яхши ёш”, “энг яхши аёл” каби

эътирофлар билдириш ҳамда фахрий ёрликлар ва кўкрак нишонларини таъсис этиш ва рағбатлантириш;

хайрия тадбирларини ташкил этиш (бой оилалар, шароити яхши тадбиркорлар ва кўнгиллиларни ихтиёрий тадбирга жалб этиш орқали) ва кам таъминланган, икки нафар фарзанди шартнома асосида ўқиётган, ишсиз, чет давлатга ишлаш учун кетганларнинг оила аъзоларига турли маҳсулотлар олиб бериш;

ачинарли ҳолатга тушиб қолган ички автомобиль йўлларини таъмирлаш;

маҳаллаларда бепул ва ихтиёрий тиббий кўриклар ташкил этиш;

фуқаролар мурожаатларни ҳал этиш бўйича ишларни янада яхшилаш;

ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланмаган жойларга уларни ўтказиш чораларини кўриш;

сиёсий партиялар ролини ошириш, шаҳар ва туманларда вакиллари учрашувларини ўтказиб, аҳоли муаммоларини ўрганиш ҳамда ечими бўйича чора-тадбирлар белгилашда фаол иштирок этишини ташкил этиш;

бозор ва савдо дўконларида озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда дорихоналарда дорилар нархларининг сунъий равишда оширилишини олдини олиш;

аҳолининг йиллар давомида ҳал этилмасдан тўпланиб қолган муаммоларини ҳал этиш бўйича гуруҳлар ташкил этиш, уларнинг фаолиятини кунлик мониторинг қилиш орқали муаммоларни ижобий ҳал этиш;

аҳолининг кайфиятини социологик сўровнома орқали ўрганиб бориш;

оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли муаммолари бўйича конструктив баҳс-мунозараларни кўпайтириш;

жамоатчилик билан маслаҳатлашиш дастурларини ишлаб чиқиш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, аҳоли кайфиятини кўтаришга хизмат қилувчи ҳар қандай тадбирлар, жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади, акси эса салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. <https://kun.uz/news/2017/08/31/halk-davlat-idoralariga-emas-balki-davlat-organlari-halkimizga-hizmat-kilisi-kerak-prezident-nutki>
2. <https://vseokoree.com/news/o-problemax-parkovki-v-koree>
3. https://www.consultant.ru/law/podborki/prodazha_avtomobilya_bez_soglasiya_supru_ga/

4. <https://www.lex.uz/acts/97664>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan "On Combating Corruption") <https://lex.uz/docs/3088008>
6. <https://lex.uz/docs/5495529>
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan "On Prevention of Offenses") <https://www.lex.uz/acts/2387357>
8. Ташқи меҳнат миграцияси: муаммо ва ечимлар и.ф.д., профессор Мухаммедов М.М., и.ф.д., профессор Арабов Н.У. (Foreign labor migration: problems and solutions i.f.d., professor Mukhammedov M.M., i.f.d., professor Arabov N.U.) <https://cyberleninka.ru/article/n/tash-i-me-nat-migratsiyasi-muammolar-va-echimlar/viewer>
9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 94-моддаси (Article 94 of the Labor Code of the Republic of Uzbekistan) <https://lex.uz/docs/6257288>
10. <https://advice.uz/uz/document/3031?keyword=%D0%9C%D0%B5%D2%B3%D0%BD%D0%B0%D1%82%20%B1%82%B0%И0%B1%8Ф%B1%82%B0%И8%B0%ИИ%B0%И8>